

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КАФЕДРА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ПЕДАГОГИКИ**



*Сборник научных трудов Международной  
научно-практической конференции*

**«ЦИФРОВИЗАЦИЯ В ОБУЧЕНИИ ГУМАНИТАРНЫХ ДИСЦИПЛИН В  
МЕДИЦИНСКОМ ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ»**

**ТГСИ, 5 марта 2022 года**

**Ташкент - 2022**

**УДК: 009-37:004-378.14:61**

**ББК 6/8- 66.4(0)6-94**

**Ц-75**

Конференция состоялась 5 марта 2022 года на базе Ташкентского государственного стоматологического института по адресу: Республика Узбекистан, 100047, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 103.

*Цель конференции – знакомство и обмен опытом в обучении и в работе с цифровыми данными, технологиями их применения в гуманитарных исследованиях, современными цифровыми исследовательскими инструментами в гуманитарных науках.*

**Основные направления конференции:**

- Современные цифровые методы и технологии обучения гуманитарных дисциплин.
- Современные инструменты работы с цифровыми данными в гуманитарных исследованиях

**По результатам работы конференции всем участникам выдан сертификат.**

Отобранные материалы опубликованы в виде сборника научных трудов научно-практической конференции «*Цифровизация в обучении гуманитарных дисциплин в медицинском высшем образовании*».

Электронная версия сборника будет размещена на официальном сайте Ташкентского государственного стоматологического института.

**Ответственные за выпуск:**

*Акрамова Лола Юнусовна, завкафедрой Узбекского языка и педагогики ТГСИ, доцент. Телеграмм: 90 - 3579575.*

*Ниязова Насиба Журабековна, доцент кафедры узбекского языка и педагогики ТГСИ.*

*Парниева Малика Салохутдиновна. e-mail: malikaarpriyeva71@gmail.com*

*Авторы статей и тезисов несут ответственность за содержание и грамотность предоставляемых материалов.*

<b>59.</b>	<b>Sharipova N. E. THE USE OF MODERN TECHNOLOGY IN TEACHING MEDICAL TERMS</b>	271
<b>60.</b>	<b>Kurbanova R.A. GENERAL INTERPRETATION OF THE PREDICITY EVENT</b>	274
<b>61.</b>	<b>Yunusova D. M. PROBLEMS OF TEACHING AND LEARNING ENGLISH AS AN INTERNATIONAL LANGUAGE</b>	277
<b>62.</b>	<b>Сирожидинова З.М., З.Норкулов МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ В ПРОЦЕСС ПРЕПОДАВАНИЯ ПО ТЕМЕ «ЛИЧНОСТЬ И ПРОФЕССИЯ»</b>	279
<b>63.</b>	<b>G'aniyeva G. K. TALABALAR LUG'AT BOYLIGINI OSHIRISHDA QOFIYALAR BILAN ISHLASHNING AHAMIYATI</b>	283
<b>64.</b>	<b>Israilova M.N., Yesbosinova N. P., Abdunazarova I. M. USE OF EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN LANGUAGE TEACHING</b>	286
<b>65.</b>	<b>Mavlanov D. E. YOSH SPORTCHILAR SHAXSLARARO MUNOSABATLARINING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK TAHLILI (Suzish misolida)</b>	288
<b>66.</b>	<b>Karimova Z. G. MUTAFAKKIRLARNING ILM-FAN TARAQQIYOTIDA MA'NAVIY-QADRIYATLARGA MUNOSABATI: ALISHER NAVOIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY G'OYALARI MISOLIDA</b>	294
<b>67.</b>	<b>Эшкораев Э. ОПРЕДЕЛЕНИЕ УРОВНЯ ВЕРБАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА С ПОМОЩЬЮ ЗАДАНИЙ</b>	299
<b>68.</b>	<b>Алимова К. Д. ЦИТОЛОГИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎЗБЕКТИЛИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА МУАММО ВАЗИФАЛАРИ</b>	301
<b>69.</b>	<b>Raxmanova M. Q., Mirjalilova B. B O'QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSİYALARİNG RO'LI</b>	306
<b>70.</b>	<b>Radjabova S. R. O'SMIRLARNING MAKTABDAN TASHQARI MUSIQIY TO'GARAKLAR FAOLIYATIDA MA'NAVIY VA G'OYAVIY JIHATDAN SHAKLLANISHIGA TA'SIR ETADIGAN IJTIMOIY, PEDAGOGIK OMILLAR</b>	308
<b>71.</b>	<b>Raxmanova M.Q., Meyliyeva M. S. OTA-ONA VA BOLA MUNOSABATLARI HAQIDA ALLOMALARNING FIKRLARI</b>	312
<b>72.</b>	<b>Sharipova N.E., Sharipov X.E. THE NEED FOR TARIFF REGULATION OF FOREIGN TRADE AND ITS ROLE IN THE INTEGRATION OF THE COUNTRY'S ECONOMY INTO THE WORLD ECONOMIC SYSTEM</b>	316
<b>73.</b>	<b>Raxmanova M.Q., Одилов О. OILADA FARZAND TARBIYASIDA AYOLNING O'RNI</b>	322

## OTA-ONA VA BOLA MUNOSABATLARI HAQIDA ALLOMALARING FIKRLARI

**Raxmanova Muqaddas Qaxramonovna,**  
**Toshkent viloyati ChDPI p.f.f.d.(PhD)**  
**Meyliyeva Mutabar Sayfullayevna,**  
**TVCHDPI Magistr**

**Аннотация** Мазкур мақолада оилада ота-она ва боланинг ўзаро муносабатлари хақида сўз боради. Мақолада бола тарбиясида мутафакирларнинг фикрлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** оила, қадрият, урф-одатлар, бола шахси, муносабат, миллий стереотип, қарашлар, бола ҳулки.

Аннотация в данной статье рассматриваются отношения между родителем и ребенком в семье. В статье представлены взгляды мыслителей на воспитание детей.

Ключевые слова: семья, ценности, обычаи, личность ребенка, отношение, национальные стереотипы, взгляды, поведение ребенка.

**Abstract** This article discusses the relationship between parent and child in the family. The article presents the views of thinkers on child rearing.

**Keywords:** family, values, customs, child personality, attitude, national stereotypes, views, child behavior.

Оиладаги тарбия, ота-она ва боланинг ўзаро муносабатидаги ўзига хослик авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадриятлар ва урф-одатлар, шунингдек, миллий стереотипларга боғлиқ бўлади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги фикрларимизнинг исботини кўплаб психологик, педагогик асарларда кўришимиз мумкин. Шунингдек, буюк Шарқ алломаларининг илмий меросида оила, ота-она ва бола муносабатлари ҳамда бу муносабатларнинг бола шахси шаклланишига таъсир этиш муаммоси муҳим ўрин эгаллаган. Буюк алломаларимизнинг бебаҳо асарларида баён этилган ота-она ва бола муносабати борасидаги қарашларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, Исмоил ал-Бухорийнинг ҳадисларида ота-онанинг фарзандга муносабати ҳақида шундай дейилади: “Тангридан қўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! (Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар)”<sup>1</sup> Юқорида келтирилган ҳадисдаги фикрлардан кўриниб турибдики, оилада ота-она фарзандларига бўлган муносабатда адолатли бўлиши ва уларнинг кўнгли ўксимаслиги, шунингдек, ота-онанинг илиқ муносабатидан қониқмаслик

йгусининг пайдо бўлмаслиги, ака-ука, опа-сингиллар орасидаги низо ҳамда жанжалларнинг олдини олиш мақсадида уларга бир хил муносабатда бўлиш зарурлиги баён этилган. М.Инамова ўз тадқиқот ишларида жаҳон илму фанининг йирик намоёндаси, «Фозил одамлар шахри», «Бахт саодатга эришув» номли асарлар муаллифи Абу Наср Форобийнинг педагогик ва психологик қарашларини таҳлил қиласар экан, “ижтимоий ва биологик томонлар ўзаро муносабатининг бирлиги деган қоида” нинг мавжудлигини таъкидлаб ўтган. Форобийнинг мазкур қоидасига мувофиқ боланинг психик ривожланишида ота-онанинг руҳан ва жисмонан соғломлиги таъсирига бевосита биологик омил нуқтаи назаридан қарасак, уларнинг оиласидаги болага бўлган муносабат характери ҳамда атрофдагилар билан ўзаро муносабатини боланинг ижтимоийлашувига, ҳамкорлик алоқалари тенденциясининг 1 Ҳикматиллаев Ҳ., Мансуров А. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент.: Фан, 1990, 168 б. 35 ривожланишига, мақсадли фаолиятга киришишига таъсир этувчи ижтимоий омил сифатида қўришимиз мумкин. Унинг мазкур қарашларида ота-онанинг функцияларига эътибор қаратиш лозимлиги масаласи очиб берилган. Абу Наср Форобийнинг педагогик ва психологик илмий қарашлари оиласида бола шахсининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ўлмас илмий асарлар муаллифи Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Эътиқодлар ва динлар ҳақида», «Минералогия» асарларида ота-онанинг болага муносабати ва унинг таълим-тарбиясидаги аҳамияти ҳақида бир қанча муҳим фикрларни қайд этган. “Беруний ота-оналарга қарата бола хулқини мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан болани қаттиқ ғазабланишдан, қўрқиши вахафаликдан сақлаш орқали эришилишини айтиб, улар хоҳлаган ҳамдафойдали нарсани топиб беришга, севмаган нарсасидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш кераклиги уқтирилади. Отаонанинг болага турли муносабати турлича хулқларни келтириб чиқаради. Яхши хулқларнинг пайдо бўлиши бола руҳиятига таъсир қилибгина қолмасдан, унинг физиологик ўсишига ҳам ёрдам беради. Ёмон хулқ эса турли мижоз бузилишига ҳам олиб келади. Аксинча, бола организмидаги ўзгаришлар унинг руҳиятидаги, ҳаттиҳаракатидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Улут аллома бола хулқ-авторининг мўътадиллiği натижасида тан ва руҳ соғломлигининг келиб чиқишини илмий асослаб беради». Абу Райҳон Берунийнинг юқорида баён этилган илмий асосларида отаоналарнинг болага эътиборли бўлишлари ёки унинг эҳтиёжлари қондирилиши зарурлиги, болага бўлган муносабатдаги қаттиқ талабчанликнинг салбий таъсири, ота-она эса болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиши, боланинг шахсига ҳурмат билан қараб, уни яхши кўриши, кўпроқ вақтини бола билан бирга ўтказишга ҳаракат қилиши, унинг қизиқишлиари ва режаларини қўллаб-куватлаши зарурлиги эътироф этилади.

Акс ҳолда, болада хавотирланиш, жizzакилик, тушкунлик ҳолатларининг пайдо бўлишига ва бу эса ўз-ўзидан ундаги билиш жараёнларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши, психик ҳамда жисмоний ривожланишдан орқада қолишга сабаб бўлиб, унинг шахси тўлақонли шаклланишига салбий таъсир этиши таъкидланади. Унинг мазкур фикрлари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини кўрсатмоқда. Шарқда «Шайх ар-райс» номи билан машҳур бўлган буюк олим Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» ва «Амалий ҳикмат» асарларида оила, ота-она ҳамда бола муносабатларига оид қарашлари баён этилган, алломанинг илмий қарашларидаги ўзига хослик шундаки, у ўз асарларида ота-она боланинг жисмоний саломатлигига алоҳида эътибор бериши лозимлигини илмий асослаб берган. Ибн Сино болани ҳавоси ўрта даражада, иссиқ ва совук бўлмаган уйда ухлатишни, бола ухлатиладиган уй соя ва қоронғу бўлмоғи керакки, бу уйга қуёшнинг нури тушмаслиги, бола ўринда ётганда унинг боши танасининг бошқа бўлакларидан юқорида туриши, боланинг ётар ўрни бўйни, қўл-оёқларини ва умуртқа устунини қийшайтириб қўйишидан саклаш лозимлигини таъкидлайди 2. У ота-она ҳар бир боланинг жисмоний саломатлигига алоҳида эътиборли бўлиши лозимлигини таъкидларкан, ота-онанинг болага бўлган муносабатидаги масъулиятлилик, жавобгарлик ҳиссига алоҳида ургу беради. Ота-онанинг бола шахсини ҳурмат 2 Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. З жилдлик сайланма. Тошкент: Фан, 1992.- 453 б. 36 қилиши, ниҳол мисол болани қўпол сўзларсиз парваришлиш лозимлиги, хаддан зиёд ҳаяжонлантириш руҳий носоғломликка олиб келиши, ота-онанинг вазифаси ва характер хусусиятлари, айниқса, онанинг муносабатлари қандай кўринишга эга бўлиши зарурлиги, оиласидаги психологик муҳит таъсирига эътиборни қаратади. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида ёзишича: «Тарбиячининг диққати бола характеристини яхшилашга, болага қаттиқ ғазаб, қўрқув, муносабатдаги оғир табиатлилик бегона бўлишига, бола нимани хоҳлаши ва нимага интилиши кўриниб туришига ҳамда уни олдида унга ёқмайдиган нарсани қилмасликка қаратилиши зарур. Бунинг ёрдамида икки ёқлама фойдага эришилади: биринчидан – болада унинг илк болалик давридан бошлаб, кучли ижобий характер шаклланади; иккинчидан, бундай ривожланиш боланинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ахир ғазаб кучли қўзғатувчи бўлиб, оғир табиатлилик ҳолдан тойдиради, дангасалик эса ҳаётий кучларни қисқартиради. XI асрда яшаб, ижод этган забардаст адаб Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» номли дидактик асарида ота-она ҳамда боланинг ўзаро муносабати борасидаги фикрларини психологик ва педагогик жиҳатдан ёритиб берган. “Ота ўз фарзандини тергаб тарбияласа, унинг феъл йўриғи яхши бўлади, ота ва онанинг юзи ёруғ бўлади.” “Ота фарзандини билимли ва идрокли қилиб тарбияламоқчи бўлса, уни доимо тергаб тарбиялаши керак, бунинг тадбири мана

шу. Ота фарзандини кичиклигидан нобакор қилиб қўйса, фарзандда гуноҳ йўқ, барча айб отанинг ўзирадир. Ота фарзандини ўргатиб, тергаб тарбияласа, улар улғайгач, ўғлим-қизим деб севинса арзийди. Агар назорат қилувчи фарзанд бўлмаса, бундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер» 3. Юқоридаги фикрларда асосий эътибор боланинг жисмоний, эмоционал, интеллектуал ривожланиши учун зарур бўлган эҳтиёжларини етарли даражада ва сифатли таъминлаш каби ота-онанинг ҳар томонлама ёрдамига қаратилади. Отаона фарзандининг интизомли бўлиши хулқ-авторидаги бузилишнинг олдини олишга, шунингдек, унинг ютуқлари билан қизиқиши ўз-ўзини тўғри англашга асос бўлади, деб ҳисоблайди. Масъулиятни отанинг зиммасига юклайди. Бунда ота-онанинг ваколатлилиги: биринчидан, боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларига оид умумий маълумотлардан хабардор бўлишини; иккинчидан, болани турли вазиятда тушуниш, боланинг туйгуларини ҳис эта олиш, ҳамдардлик билдира олиш; учинчидан, хулқ-автор компоненти билан боғлиқ ота-онанинг бола билан ўзаро таъсирга саводли кириша олиши зарурлигини ва унинг самараси ҳақидаги қарашларни илгари суради. Оилада ота-онанинг болага бўлган муносабати ҳақидаги психологик қарашлар улуг аллома Аҳмад Дониш меросида ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Аҳмад Дониш бола шахсининг ривожланишидаги асосий омиллардан бири - бола билан ота-она ўртасидаги муомала маданияти, деб ҳисоблайди. Юқорида санаб ўтилган улуг алломаларнинг бола ўзига бўлган муомалада ғамхўрликни, меҳрмуҳаббатни ҳис этиб туриши лозимлиги ҳақидаги фикрига қўшилган ҳолда, болага унинг ёш хусусиятларига яраша муомала қилиш, ота-она бола билан муомалада З Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафакирлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1971. - 310 б. 37 эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши зарурлиги тўғрисидаги фикрларни олға суради. Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий буюк шоир, донишманд адаб сифатида дунёга машҳур бўлган. Унинг «Гулистон» ва «Бўстон» номли панднома асарида ўз шахсий ҳаётий тажрибалари умумлаштириб, қимматли фикрлар билдирилган. Саъдий ота-онанинг болага муносабати муаммосига ота-онанинг оилада хушмуомала бўлишига, шунингдек, фарзандларнинг келажаги учун ғамхўрлик қилишлари болани ҳаддан зиёд эркалатмаслик лозимлигини уқтиради. У оилада ота-оналарнинг болани эркалатишининг оқибати нималарга олиб келиши ҳақида шундай ёзади: «Ота-онаси эркалатса нукул Жуда кўп қийинчиликни кўргай ўғил Ақл ўргат-у, тўғрилик, поклик, Севиб эркалатма, қил идроклик» 4. Адаб ота-она муносабатида ухим аҳамиятга эга бўлган боланинг шахсий ва ижтимоий норасолиги ёки ўзининг реал ёшига нисбатан кичик деб эркалатишга, ҳаддан зиёд ғамхўрликка, ачиниш, ҳаётнинг қийинчиликларидан чегаралаш ҳамда қатъий назорат қилиш каби муносабатларга танқидий қарайди. Чунки бундай

муносабат боланинг қизиқишилари, ҳаваслари, ўй-хаёли, туйғуларида бузилишга, шунингдек, муваффақиятсиз муаммоларга дуч келишига сабаб бўлади. Отаоналар болаларини боладек эмас, балки ўз мажбуриятларига эга, фаолияти натижасига кўра ҳурматга сазовор бўлган шахс сифатида муносабатда бўлишлари зарурлиги ҳақида фикр юритади. Хулоса қилиб айтганда, буюк Шарқ алломаларининг педагогик ва психологик қарашларида ота-онанинг болага бўлган муносабатига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ахлоқий ҳамда жисмоний соғломлик ота- онанинг эътиборига боғлиқлиги ёритилган. Бола тарбиясини яхшилаш учун уни салбий эмоциялардан сақлаш, бу эмоцияларга унинг ҳаётий кучи, маънавияти ва ишдаги муваффақиятларига боғлиқ бўлиши ҳақидаги фикрлар психологик-педагогик фаолият учун кўрсатма бўлиб қолмасдан, маълум маънода, мазкур илмий-тадқиқот ишимизда ҳам методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Улар баён этган фикрларининг мазмуни бола шахсиятидаги руҳий-асаб ҳолати, билиш имкониятлари, одамлар билан ўзаро муносабатдаги ўзига хослик, қадриятлардаги йўл-йўриқлар ва мотивацион эҳтиёжлар хусусиятлари каби ижобий ўзгаришлар, биринчи навбатда, бола тарбияси учун масъулиятни ўз зиммасига олган отаонанинг шахси билан белгиланади. Юқоридаги алломаларнинг фикрларидан кўриниб турибдики, болаларнинг билиш имкониятлари, улар ҳаёт фаолиятидаги умумий муваффақиятларига, конуктив руҳий-асаб ҳолати ва эмоционал хотиржамлик каби хусусиятларининг пойдевори бўлиб хизмат қиласди. Шундай қилиб, ота-онанинг муносабати хусусияти бола шахси ривожланишининг асосини ташкил этади.

**Адабиет:**

1. Шайх Саъдий Шерозий. Гулистон. Тошкент: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993. – 247 б. 38
2. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. З жилдлик сайланма. Тошкент: Фан, 1992. - 453 б
3. Шайх Саъдий Шерозий. Гулистон. Тошкент: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993. – 247 б. 3.
4. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафакирлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1971. - 310 б.

**УДК 314.14.014**

**THE NEED FOR TARIFF REGULATION OF FOREIGN TRADE AND  
ITS ROLE IN THE INTEGRATION OF THE COUNTRY'S ECONOMY  
INTO THE WORLD ECONOMIC SYSTEM**